



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 17 » апрель

№ 237

Toshkent sh.

Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ–3392-сон қарорига мувофиқ, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда она Ватанга садоқат ва унинг мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича бурч туйғусини шакллантириш, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини сингдириш, шунингдек, республика олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун етарли билимга эга бўлган иқтидорли ёшларни тизимли равишда тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ–3392-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига бириктирилган, 1-иловада кўрсатилган умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда (кейинги ўринларда – мактаблар) ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган синфлар) фаолият юритаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлари тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мактабларнинг ихтисослаштирилган синфларида ўқиш муддати беш йилдан (7–11-синфлар) иборат бўлади;

2020–2021 ўқув йилидан бошлаб ихтисослаштирилган синфларга 6-синфни битирган 30 нафар ўқувчи қабул қилинади;

ихтисослаштирилган синфлар учун зарур бўладиган махсус спорт жиҳозлари, ўқув мақсадларига мўлжалланган қурол-аслаҳа ва ҳарбий-техник мулк намуналари ва параметрлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан ишлаб чиқилади;

ихтисослаштирилган синфларда ўқув машғулотларини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда махсус ҳарбий-техник ва қурол-аслаҳалардан фойдаланиш бўйича амалий машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Миллий гвардияси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Миллий гвардиясига:

а) ихтисослаштирилган синфларга ўқувчиларни қабул қилиш жараёнлари ташкил этилиши ва ўтказилишини қатъий назоратга олиш;

б) ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахслар, жамоатчилик ўртасида ихтисослаштирилган синфларга ўқувчиларни қабул қилиш тартиби, улардаги таълим-тарбия жараёни ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

в) ихтисослаштирилган синфларга ўқувчилар қабули юзасидан мактабларда қабул комиссияси ташкил этилишини ва уларнинг белгиланган тартибда фаолият юритишини таъминлаш;

г) ҳар йили 1 августга қадар қабул жараёнлари учун жисмоний тайёргарлик топшириқларини тайёрлаш ва тест синовлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

д) ихтисослаштирилган синфлар учун ўқув режа ва дастурларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, айрим фанларнинг чуқур ўқитилишини жорий этиш билан бирга ўқувчиларнинг кўшимча равишда мустақил билим олишлари учун етарли шароитлар яратиш;

е) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ихтисослаштирилган синфлар ўқувчиларининг ҳудудлардаги тарихий обидалар, музейлар, зиёратгоҳлар ва диққатга сазовор жойларга мунтазам ташрифларини уюштириш;

ж) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

ихтисослаштирилган синфлар ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор услуб ва шакллари, янги педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини, ўқувчиларнинг ўқув, психологик ва жисмоний юкламаларини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

белгиланган тартибда ихтисослаштирилган синфларни юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига тўлиқ улаш ва ўқувчиларнинг ундан доимий равишда фойдаланишларини таъминлаш;

з) ихтисослаштирилган синфлар ўқувчиларининг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган турли тўғараклар, қизиқишлари бўйича клублар, секциялар, шу жумладан, спорт секцияларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан талаб этиладиган маблағларни 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари доирасида ажратилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлар), грантлари, шунингдек қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “17” апрелдаги 237-сон қарорига
1-илова

**Ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлари
мавжуд умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг манзили	Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг номи
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	Нукус шаҳри	44-сон умумий ўрта таълим мактаби
2.	Чимбой тумани	36-сон ихтисослаштирилган мактаб
3.	Хўжайли тумани	15-сон ихтисослаштирилган мактаб
4.	Тўрткўл тумани	18-сон ихтисослаштирилган мактаб
Андижон вилояти		
5.	Андижон шаҳри	35-сон ихтисослаштирилган мактаб
6.	Бўстон тумани	48-сон ихтисослаштирилган мактаб
7.	Жалақудуқ тумани	49-сон ихтисослаштирилган мактаб
8.	Хўжабод тумани	23-сон ихтисослаштирилган мактаб
Бухоро вилояти		
9.	Бухоро шаҳри	35-сон умумий ўрта таълим мактаби
10.	Когон шаҳри	9-сон умумий ўрта таълим мактаби
11.	Қоровулбозор тумани	1-сон умумий ўрта таълим мактаби
12.	Қорақўл тумани	15-сон умумий ўрта таълим мактаби
Жиззах вилояти		
13.	Жиззах шаҳри	22-сон ихтисослаштирилган мактаб
14.	Арнасой тумани	22-сон ихтисослаштирилган мактаб
15.	Бахмал тумани	78-сон ихтисослаштирилган мактаб
16.	Зомин тумани	60-сон умумий ўрта таълим мактаби
Қашқадарё вилояти		
17.	Қарши шаҳри	45-сон умумий ўрта таълим мактаби
18.	Нишон тумани	35-сон ихтисослаштирилган мактаб
19.	Ғузор тумани	53-сон умумий ўрта таълим мактаби
20.	Шаҳрисабз тумани	83-сон умумий ўрта таълим мактаби
Навоий вилояти		
21.	Навоий шаҳри	1-сон ихтисослаштирилган мактаб
22.	Зарафшон шаҳри	1-сон ихтисослаштирилган мактаб
23.	Хатирчи тумани	88-сон ихтисослаштирилган мактаб
24.	Кармана тумани	10-сон умумий ўрта таълим мактаби

Наманган вилояти		
25.	Наманган шаҳри	58-сон ихтисослаштирилган мактаб
26.	Учкурғон тумани	6-сон ихтисослаштирилган мактаб
27.	Поп тумани	11-сон ихтисослаштирилган мактаб
28.	Чортоқ тумани	5-сон ихтисослаштирилган мактаб
Самарқанд вилояти		
29.	Самарқанд шаҳри	1-сон ихтисослаштирилган мактаб
30.	Самарқанд шаҳри	43-сон ихтисослаштирилган мактаб
31.	Каттакўрғон шаҳри	11-сон ихтисослаштирилган мактаб
32.	Оқдарё тумани	45-сон ихтисослаштирилган мактаб
Сирдарё вилояти		
33.	Гулистон шаҳри	16-сон умумий ўрта таълим мактаби
34.	Сайхунобод тумани	41-сон ихтисослаштирилган мактаб
35.	Ховос тумани	1-сон ихтисослаштирилган мактаб
36.	Гулистон тумани	27-сон ихтисослаштирилган мактаб
Сурхондарё вилояти		
37.	Термиз шаҳри	9-сон ихтисослаштирилган мактаб
38.	Олтинсой тумани	2-сон ихтисослаштирилган мактаб
39.	Узун тумани	4-сон ихтисослаштирилган мактаб
40.	Музробод тумани	8-сон ихтисослаштирилган мактаб
Фарғона вилояти		
41.	Фарғона шаҳри	6-сон умумий ўрта таълим мактаби
42.	Қўқон шаҳри	33-сон ихтисослаштирилган мактаб
43.	Олтиариқ тумани	14-сон умумий ўрта таълим мактаби
44.	Бешариқ тумани	15-сон умумий ўрта таълим мактаби
Хоразм вилояти		
45.	Урганч шаҳри	24-сон ихтисослаштирилган мактаб
46.	Гурлан тумани	42-сон ихтисослаштирилган мактаб
47.	Янгиариқ тумани	37-сон ихтисослаштирилган мактаб
48.	Шовот тумани	53-сон ихтисослаштирилган мактаб
Тошкент вилояти		
49.	Чирчиқ шаҳри	10-сон умумий ўрта таълим мактаби
50.	Бекобод шаҳри	9-сон умумий ўрта таълим мактаби
51.	Паркент тумани	5-сон ихтисослаштирилган мактаб
52.	Оқкўрғон тумани	49-сон ихтисослаштирилган мактаб
Тошкент шаҳри		
53.	Яшнобод тумани	161-сон умумий ўрта таълим мактаби
54.	Яккасарой тумани	172-сон умумий ўрта таълим мактаби
55.	Юнусобод тумани	58-сон умумий ўрта таълим мактаби
56.	Олмазор тумани	326-сон ихтисослаштирилган мактаб

Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган
мактабларнинг ҳарбий-ватанпарварлик
йўналишига ихтисослаштирилган синфлари
тўғрисида низомга
1-илова

**Ихтисослаштирилган синфларга номзодларни танлаб олиш
ва ўқишга қабул қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддати
I босқич	Мактаб директори	Ихтисослаштирилган синфларга танлов ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради.	1 июнга қадар
II босқич	Қабул комиссияси	Номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилади.	1-20 июль
III босқич	Қабул комиссияси	1. Жисмоний тайёргарлик синовларини ўтказди. 2. Тест синовларини ўтказди.	1. 21 июль- 5 август 2. 15-25 август
IV босқич	Қабул комиссияси	Кириш имтиҳонларининг якуний натижаларини эълон қилади.	25 августга қадар
V босқич	Мактаб директори	Номзодларнинг ихтисослаштирилган синф ўқувчилари сафига қабул қилиниши тўғрисида буйруқ чиқаради.	30 августга қадар

Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган
мактабларнинг ҳарбий-ватанпарварлик
йўналишига ихтисослаштирилган синфлари
тўғрисида низомга
2-илова

**Жисмоний тайёргарлик бўйича синов натижаларини баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Синов машқлари	Натижалари ва баллар							
		Ўғил болалар				Қиз болалар			
		20	15	10	5	20	15	10	5
1	60 метрга югуриш, сония	10,0	10,5	11,0	11,5	10,3	10,8	11,3	11,8
2	Югуриб келиб узунликка сакраш, см	340	310	270	280	310	270	230	250
3	1000 метрга югуриш, дақиқа	4,10	4,30	5,0	5,50	5,40	6,10	6,40	7,00
4	Тўпни улоқтириш, метр	36	30	21	15	23	18	15	12
5	Баланд турникда тортилиш, марта	6	4	3	2	-	-	-	-
6	Гардишни 1 дақиқагача белда айлантириш, марта	-	-	-	-	65	55	40	30

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “17” апрелдаги 237 -сон қарорига
2-илова

**Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг
ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган
синфлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига бириктирилган умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг (кейинги ўринларда – мактаблар) ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлари (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган синфлар) мақсади ва асосий вазифаларини, ихтисослаштирилган синфларга ўқувчиларни қабул қилиш ва уларни ўқишдан четлатиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ихтисослаштирилган синфларда таълим жараёни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Халқ таълими вазирлиги) томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (кейинги ўринларда – Миллий гвардия) билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилади.

2-боб. Ихтисослаштирилган синфларнинг мақсади ва асосий вазифалари

3. Умумий ўрта таълим фанлари доирасида ҳарбий-ватанпарварлик йўналиши бўйича ўқувчиларнинг чуқур таълим олишини таъминлаш ихтисослаштирилган синфларнинг мақсади ҳисобланади.

4. Ихтисослаштирилган синфларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга ва ватанпарварлик туйғусига эга интеллектуал ривожланган ёшларни тарбиялаш;

она Ватан келажаги учун ўзига масъулиятни оладиган, Ватан шаънини ҳимоя қилишга тайёр, мустаҳкам қараш ва қатъий фуқаролик позициясига эга ўқувчи-ёшларни тайёрлаш;

ўқувчиларда ҳарбий бурч ва ҳарбий хизматни адо этишда зарур бўладиган профессионал ҳарбий ва ижодий кўникмаларни шакллантириш;

таълим олувчиларни “Темурбеклар мактаблари” ҳарбий-академик лицейлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳамда бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун мақсадли ва чуқурлаштирилган ҳолда тайёрлаш.

3-боб. Ихтисослаштирилган синфларга ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқишдан четлатиш тартиби

5. Ихтисослаштирилган синфларга мактабларнинг 6-синфини муваффақиятли якунлаган, чуқурлаштириб ўқитиш белгиланган ўқув фанларидан муайян қобилиятини кўрсата олган ўғил ва қиз болалар (кейинги ўринларда – номзод) танлов натижалари асосида қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган синфларга номзодларни танлаб олиш ва ўқишга қабул қилиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

6. Ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактабларнинг раҳбарияти ҳар йили 1 июнга қадар танлов ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради.

7. Ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактабларда хужжатларни қабул қилиш, расмийлаштириш, жисмоний тайёргарлик бўйича синовлар ўтказиш, тест синовини ўтказиш учун тегишли хужжатларни тайёрлаш ҳамда ота-оналарнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мақсадида қабул комиссияси (кейинги ўринларда – қабул комиссияси) тузилади.

Қабул комиссияси таркиби 7 нафардан кам бўлмаган тоқ миқдорда ташкил этилиб, унинг таркибига ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактаб директори, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари вакиллари, мактаб ўқитувчилари ҳамда Миллий гвардия ҳудудий бўлинмаларининг масъул вакили киритилади.

Ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактаб директори комиссия раиси ҳисобланади.

8. Номзодларнинг ихтисослаштирилган синфларга кириш учун тегишли хужжатлари 1–20 июль кунлари қабул қилинади.

9. Ихтисослаштирилган синфларга номзодлар қабули бўйича маълумотлар Халқ таълими вазирлиги томонидан 21 июлга қадар умумлаштирилиб, Миллий гвардияга маълумот учун тақдим этилади.

10. Танловда иштирок этиш учун номзодлардан қуйидаги хужжатлар қабул қилинади:

ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактаб директори номига ариза;

туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси;

086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

психоневрологик, силга қарши ва тери-таносил касалликлари диспансерлари, электрокардиография текшируви (ЭКГ) бўйича тиббий маълумотномалар;

3х4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;

фанларни ўзлаштириши тўғрисида ўқиш жойидан директор томонидан тасдиқланган маълумотнома;

ўқиш жойидан тавсифнома;

жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича ўқувчининг эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатидан (фахрий ёрлик, сертификат, диплом каби, агар улар мавжуд бўлса) кўчирма.

11. Ихтисослаштирилган синфларга кириш учун жисмоний тайёргарлик синовлари 21 июль – 5 август, тегишли фанлар йўналиши бўйича тест синовлари 15–25 август кунлари оралиғида ўтказилади.

12. Қабул комиссияси томонидан тасдиқланган жадвал асосида мурожаат қилувчиларга маслаҳат бериб борилади.

13. Ихтисослаштирилган синфларга тегишли фанлар бўйича тест синовлари ҳамда жисмоний тайёргарлик синовлари қабул комиссияси томонидан ўтказилади.

14. Тест синови ҳамда жисмоний тайёргарлик синови материаллари ва методикаси етакчи мутахассисларни жалб этган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан шакллантирилади.

15. Ихтисослаштирилган синфларга қабул қилиш бўйича танлов тенг ҳуқуқлилиқ ва қабул қилишнинг ягона қоидалари асосида амалга оширилади.

16. Жисмоний тайёргарлик бўйича синовда умумий ўрта таълимнинг 6-синфлар ўқув дастури доирасида ҳар бир номзодга 5 тадан жисмоний машқлар берилади. Жисмоний тайёргарлик бўйича синов 100 баллик тизимда мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ баҳоланади.

Яқунлари бўйича 70 ва ундан юқори балл тўплаган номзодлар тест синовларига қўйилади.

17. Жисмоний тайёргарлик синовларига келмаган номзодлар учун қўшимча синовлар ўтказилмайди.

18. Номзодлар уч тилдан – ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидан бирини шахсан танлаган ҳолда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида тест синовлари топширадилар.

19. Тест синовларига белгиланган муддатда келмаган номзодлар учун такрорий тест синовлари ўтказилмайди.

20. Тест синовларини ўтказиш санаси, жойи ва вақти қабул комиссияси томонидан белгиланади.

21. Тест топшириқлари умумий ўрта таълим фанларига қўйилган (5-6-синфлар кесимида) давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилади.

Тест топшириқлари китобида ҳар бир фан (тарих, математика, она тили) учун 10 та топшириқ белгиланади. Умумий 100 баллик тизимда баҳоланади. Тарих фанидан битта тўғри жавобга 4 балл, математика ва она тили фанларидан битта тўғри жавобга 3 балл қўйилади.

Номзодга тест топшириқларини бажариш бўйича ҳар бир савол учун 3 дақиқа вақт берилади.

Жавоблар варақасини тўлдириш учун номзодга белгиланган вақт меъёридан ташқари қўшимча 10 дақиқа вақт ажратилади.

22. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишида республика ва халқаро миқёсда муваффақиятга эришган ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик натижаларига максимал баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл қўшилади.

23. Номзодларнинг танловдаги кўрсаткичлари тенг бўлиб қолган ҳолларда қуйидагилар имтиёзга эга бўлади:

ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

спорт йўналишида вилоят, республика ва халқаро миқёсда ютуқларга эришган ўқувчилар;

кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари.

Мазкур банд бўйича кўрсаткичлар тенг бўлиб қолганда жисмоний тайёргарликдан қўшимча синов ўтказилиши мумкин.

24. Жисмоний тайёргарлик ва тест синовларини топширган номзодлар орасидан баллар йиғиндиси бўйича кетма-кетликда камайиш тартибида 30 нафари қабул қилинади.

25. Танловнинг якуний натижалари 25 август куни қабул комиссияси томонидан ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактабларнинг эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

26. Танловдан ўтмаган номзодларнинг ҳужжатлари ота-оналарига қайтариб берилмайди.

27. Танловни ўтказиш жараёнидан норози бўлган номзодлар ва уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар амалдаги қонунчиликка мувофиқ мурожаат этишлари мумкин.

28. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар 30 августга қадар ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактаб директори буйруғи асосида ўқувчилар сафига киритилади.

29. Ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактабнинг уставида белгиланган ички тартиб-қоидаларни бузган ҳамда қоникарсиз ўзлаштиришга эга ўқувчилар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан келишилган ҳолда педагогик кенгаш қарори асосида аввал ўқиган синфи ёки мактабига (ўқувчининг яшаш жойи ўзгарган тақдирда ҳудуддаги бошқа мактабга) қайтариб юборилади.

30. Ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактабда бўшаб қолган ўринларга танловда иштирок этиб, лекин қабул қилинмай қолган ўқувчилар баллар рейтинги бўйича кетма-кетликда қабул қилинади.

Агар ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан рад жавоби олинса, баллар рейтинги бўйича навбатдаги юқори балл тўплаган ўқувчи чақириб олинади.

Мазкур бандда белгиланган талаблар фақатгина ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактабларнинг 7-синфи ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги бўйича қўлланилади.

31. Ихтисослаштирилган синфларнинг 10-синфига ўтиш даврида ўқувчилар сони 30 нафардан камайганида (“Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари, академик лицейлар ёки касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиниш ҳисобига) қолган бўш ўринлар учун қўшимча танлов ўтказилиши мумкин.

32. Ихтисослаштирилган синфларнинг 10-синфи учун бўш ўринларга танлов ўтказиш, 7-синфлар учун танлов ўтказиш тартиби ва муддатларига мувофиқ ўтказилади.

4-боб. Ихтисослаштирилган синфларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

33. Ихтисослаштирилган синфларда таълим 7–11-синфларда кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Таълим ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида олиб борилади.

34. Ихтисослаштирилган синфларда ўқув-тарбия жараёни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида ташкил қилинади.

35. Ихтисослаштирилган синфларда ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар ўтказишда турли замонавий шакллар ва усуллардан, жумладан ўқитилаётган фанлар бўйича факультатив ва тўғарак машғулотлари ҳамда ўқувчиларни Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш тадбирларидан фойдаланилади.

36. Ихтисослаштирилган синфлар ўқувчилари учун ўқиш, дам олиш ва турли тадбирларни қўшиб олиб боришга қаратилган кун тартиби тузилади.

37. Ўқув йили якуни бўйича тарих, математика, она тили фанларидан қониқарсиз натижа кўрсатган ихтисослаштирилган синфларнинг ўқувчилари мактаб педагогик кенгаши қарори билан мактабнинг умумий синфларига ўқишни давом эттириш учун ўтказилади.

38. Ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда – ота-оналар) эҳтиёжидан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган синфларнинг ўқувчиларини дарсдан ташқари машғулотларга тўлиқ жалб этилишига қўшимча шароитлар яратиш мақсадида шартнома асосида кузатув кенгашлари томонидан ўқувчиларни соғлом овқатлантириш ташкил этилиши мумкин.

39. Ихтисослаштирилган синфларда ўқувчилар сони (ҳар бир синфда) 30 нафардан ошмаслиги лозим.

40. Ихтисослаштирилган синфларнинг 9-синфини якунлаган ўқувчиларга умумий ўрта таълим тўғрисида шаҳодатнома, 11-синфини тамомлаган ўқувчиларга умумий ўрта таълим тўғрисида аттестат берилади.

41. Ихтисослаштирилган синфларни якунлаганлик тўғрисида шаҳодатнома (аттестат) бошқа таълим муассасаларига киришда қўшимча имтиёз бермайди.

5-боб. Ихтисослаштирилган синфлардаги ўқув-тарбия жараёни иштирокчилари

42. Ихтисослаштирилган синфлардаги ўқув-тарбия жараёни иштирокчиларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси;

ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган мактаблар директорлари;
ихтисослаштирилган синфларда дарс бераётган педагоглар.

43. Олий маълумотли, таълим муассасалари ўқитувчиларига қўйиладиган малака талабларига жавоб берувчи, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахслар ихтисослаштирилган синфларда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд ҳукми асосида педагогик фаолият билан шуғулланиш ман этилган шахсларга ихтисослаштирилган синфларда ушбу фаолиятни юритишига йўл қўйилмайди.

44. Ихтисослаштирилган синфларда дарс бераётган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

45. Ихтисослаштирилган синфлари мавжуд умумий ўрта таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Мактаб раҳбарияти ихтисослаштирилган синфлар ўқувчиларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўқиш ва дам олиш шароитларига риоя этиши юзасидан жавоб беради.

46. Мактаб директори ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини назорат қилади, ўқувчиларнинг сифатли ўқитилиши ва тарбияланиши, ўқув режалари ва ўқув дастурларининг бажарилиши, ихтисослаштирилган синфнинг ўқув-методик ва молия-хўжалик фаолиятининг зарур даражада амалга оширилиши юзасидан жавоб беради.

47. Қуйидагилар Халқ таълими вазирлигининг вазифалари ҳисобланади:

Миллий гвардия билан биргаликда ихтисослаштирилган синфларга ўқувчилар қабулини ташкил этиш;

Миллий гвардия билан келишилган ҳолда, давлат таълим стандартларига мувофиқ ихтисослаштирилган синфлар учун ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим дастурлари ҳамда ўқув-тарбия жараёнига самарали жорий этиш бўйича амалий илмий-методик ёрдам кўрсатиш;

ўқув, ўқув-методик адабиётлар ва кўргазмалар қўлланмалар ишлаб чиқиш, нашр этиш ҳамда ихтисослаштирилган синфларни улар билан таъминлашни ташкил этиш;

ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиялашни таъминлайдиган комплекс маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

Миллий гвардия билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган синфлар ўқувчиларини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда касбга йўналтириш;

Миллий гвардия таълим муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш ва назорат қилиш;

ихтисослаштирилган синфлари мавжуд мактабларни ўқитишнинг замонавий техник воситалари, компьютер техникаси ва тегишли ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

ихтисослаштирилган синфлари мавжуд мактабларнинг маъмурий, молиявий ва хўжалик фаолиятини, шунингдек моддий-техник таъминотини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Миллий гвардия ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган синфлари мавжуд мактабларнинг ўқувчилари ўртасида “Ёш гвардиячилар” танлови (ҳарбий спорт мусобақалари), аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар ва чет тили фанлари бўйича викториналар ўтказиш;

якуний давлат аттестациясини ташкил этиш ва ихтисослаштирилган синфлар битирувчиларига шаҳодатнома (аттестат)лар бериш.

48. Қуйидагилар Миллий гвардиянинг вазифалари ҳисобланади:

ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишда, ҳарбий мавзудаги илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим дастурларига ва ўқув жараёнига жорий этишда амалий методик ёрдам кўрсатиш;

чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани дастурига мувофиқ ихтисослаштирилган синфларни ҳарбий-муҳандислик асбоб-ускуналари ва кимёвий муҳофаза воситалари, ҳарбий мавзудаги ўқув ва кўргазмалар кўлланмалар билан таъминлаш;

ихтисослаштирилган синфлар ўқувчилари билан Миллий гвардия таълим муассасалари ва ҳарбий бўлинмалари базаларида ўқ отиш, махсус тайёргарлик бўйича (шу жумладан, дала шароитларида ҳам) амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш;

ихтисослаштирилган синфлар ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириб бориш мақсадида ихтисослаштирилган синфлари мавжуд мактабларни Миллий гвардия ҳарбий бўлинмаларига бириктириш;

Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани дастурини такомиллаштириш;

ихтисослаштирилган синфларга ўқувчиларни қабул қилиш, битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси жараёнларида қатнашиш.

7-боб. Якунловчи қоидалар

49. Ихтисослаштирилган синфлари мавжуд мактабларнинг фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

50. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

